

"Сиз меҳнат муҳофазасини биласизми?"

Жорий йилнинг 9-апрел куни Тошкент Давлат Аграр университетида Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмаси Федерациясининг "Сиз меҳнат муҳофазасини биласизми?" номли Республика танловининг Тошкент шаҳар ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Танловда институтимиз "Меҳнат муҳофазаси муҳандислари" жамоаси, ТошДАУ талабалари жамоаси билан куч синашишди. Танловга томошабин сифатида институтимиздан 235 нафар талаба-ёшлар институт жамоасини қўллаб-қувватлаш учун етиб боришди.

3 та шарт бўйича якуний натижаларга кўра бизнинг институт Касаба уюшмаси қўмитаси жамоаси 71 балл билан 2-ўрин ғолиби деб топилди. Жамоамиз катта эҳтимол билан кейинги босқичда ҳам иштирок этиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Бунинг учун ташкилотчиларга таклиф бериб ўтилди. Нима бўлганда ҳам институт жамоаси муносиб чиқиш қилди, саволларга тўлиқ жавоб берди, сахна кўринишлари ҳақиқатдан ҳам ҳаётий воқеалар асосида тайёрланганини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Институт ёшлари номидан жамоа иштирокчиларига катта миннатдорчилик билдирамиз ва сизни табриклаймиз. Кейинги фаолиятингизда омад тилаймиз.



Институт матбуот котиби раҳимбой жуманиёзов